



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 15 февраль, № 33 (5963)

Шанба

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ДЕПУТАТЛАР ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ ЭШИТДИЛАР

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар. Ушбу масала юзасидан С. Рашидова маъруза қилди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги давлат ҳокимияти органларининг фаолияти устидан парламент назорати Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан бири экани таъкидланди, шу сабабли бу масала парламент вакиллари учун катта аҳамиятга эга. Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга доир чоратadbирларнинг амалга оширилиши, қонун ҳужжатлари, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмларининг такомиллаштирилишига қаратилганлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилишида, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда, инсон ҳуқуқлари соҳасида жамоатчилик оғини оширишда иштирок этди. Депутатлар Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро этувчи ва суд тармоқлари, фуқаролик жамиятининг институтлари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни чуқурлаштиришга қаратилганлигини таъкидладилар. Ҳисобот йилида Омбудсман томонидан 15 дан ортиқ қонун лойиҳасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчилик ҳужжатларига,

халқаро стандартларга мувофиқлиги ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Омбудсманнинг Қонунчилик палатаси билан ўзаро ҳамкорлиги нафақат қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишга, балки назорат-таҳлил фаолиятида иштирок этишга, қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиш мониторинги яқунлари бўйича ахборот алмашишга қаратилди.

Фуқароларнинг шикоятлари ва мурожаатларини кўриб чиқиш Омбудсман фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Ҳисобот даврида фуқаролардан жами 11 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди, уларнинг 7,7 мингтаси Омбудсманнинг марказий идорасига, деярли мингта ариза ва шикоят эса минтақавий вакилларга юборилди. Электрон почта орқали фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш амалиёти кенгайтирилмоқда. Омбудсман ва унинг ходимлари шахсий қабулда фуқароларнинг деярли 1,4 мингта мурожаати кўриб чиқилди. Уларнинг барчаси амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ ҳолда кўриб чиқилди.

Саволларга жавоб берилганидан кейин Омбудсман ҳисоботи батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар ўзининг сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим соҳаларини эркинлаштириш жараёнларини янада мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини соҳасидаги кафолатларни таъминлаш бўйича чоратadbирларнинг амалга оширилиши устувор эканлигини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).



Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли навқирон авлоднинг замонавий билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун беқийёс имкониятлар яратилган. Юртимиз ўғил-қизларини баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётган бундай эзгу савий-ҳаракатлар доирасида иқтидорли ўқувчиларнинг чуқурлаштирилган тартибда ва инновацион технологиялар асосида билим олишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг соҳада ортирилган тажрибанинг халқаро миқёсда юксак эътироф этилаётганидан ҳам англаш мумкин.

МИЛЛИЙ ДАСТУР — АМАЛДА



ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ва интерфаол услубларни амалиётга киритиш изчил давом этмоқда



Хусусан, Гулистон давлат университети ҳузуридаги академик лицейда ўқув жараёни ва амалиётга татбиқ этилган ўзига хос ёндашувлар Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида қўлга киритилаётган муваффақиятларни ўзда яққол ифода этади. Мазкур таълим даргоҳида 989

нафар ўқувчи тўртта йўналиш бўйича ўқитилапти. Эътиборлиси, уларга энг малакали педагоглар, шу жумладан, Гулистон давлат университетининг профессор-ўқитувчилари ҳам устозлик қилишмоқда. Лицейдаги кафедларда мазкур университет билан тузилган шартномага мувофиқ, профессорлар, фан номзодлари ва

тадқиқотчилар иштирокида очик дарслар, давра суҳбатлари ҳам ўтказиб борилмоқда. Шунингдек, барча педагогларнинг инновацион технологиялар бўйича тизимли равишда малака оширишлари таълим самарадорлигини янада яхшилашга хизмат қилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Германиялик мутахассислар Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ҳақида

Ўзбекистонни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари хорижий мамлакатлар ишбилармон доиралари томонидан ҳам атрафлича муҳокама қилинмоқда. Германия бизнеси вакиллари «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида мамлакатимизнинг иқтисодийёт соҳасида қўлга киритган муваффақиятлари тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

ЭЪТИРОФ

В. ОТТИНГ, Ганновер минтақаси (Қуйи Саксония ўлкаси) Кичик ва хусусий бизнес иттифоқи раисининг ўринбосари:

— Мен Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлиб, юртингизда ўтказилган

йирик халқаро анжуманларда катнашганман. Шу сабабли, республикангизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти жараёнларини, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик жабҳаси ривожланишини катта қизиқиш билан кузатиб бораман.

Президент Ислам Каримовнинг йил яқунлари бўйича маърузасида иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарий 970 минг киши иш билан таъминлангани маълум қилинган. Янги иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилгани ҳамда кичик корхоналар, микрофирмалар ва яққа тартибдаги тadbиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ иш жойлари ташкил этилгани эътиборга сазовордир.

Ишончим комилки, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик жабҳаси тараққиёти бундан кейин

ҳам Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишига ҳамда мамлакат аҳолиси фаровонлигининг янада юксалишига қўмаклашади.

Г. БИРКЛ, «BOS Unternehmensberatung» консалтинг компанияси директори:

— Ўзбекистонни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари юксак баҳога лойик, Сўнгги йиллар мобайнида республикангиз эришган муваффақиятлар Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўз самарадорлигини исботлаётган миллий тараққиёт моделига асосланган ҳолда изчил сиёсат олиб борилаётганининг натижасидир.

Иқтисодийётнинг янада диверсификацияланиши, шунингдек, янги сармоявий имкониятларнинг яратилиши Ўзбекистонда иқтисодий тараққиётнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

«Жаҳон» АА. Берлин

АНЖУМАН

Кеча Тошкент шаҳрида бизнесни самарали бошқариш, жумладан, кичик ва хусусий корхоналарнинг барқарор ривожланишини таъминлаш салоҳиятига эга малакали тadbиркор ва менежерлар тайёрлашга қўмаклашишга қаратилган янги лойиҳанинг тақдими бўлиб ўтди.

Бизнесни самарали бошқаришга қўмак

«Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури — Ўзбекистон кичик ва ўрта бизнес корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш» деб номланувчи ушбу лойиҳа Европа Иттифоқнинг молиявий қўмағида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан бир қатор хорижий компаниялар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Тadbирда сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатимизда бизнес фаолиятини юритиш учун кулай муҳит яратилган. Соҳада кўшимча имтиёз ва преференцияларни қўллаш, айниқса, тadbиркорлар ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар кичик корхоналар сафи кенгайишида рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилаяпти. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан биргина 2013 йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисобот-

ни тақдим этиш мuddатлари қисқартирилиб, зарур рухсатномалар бериш мuddати 2 марта, ушбу жараёнлар учун харажатлар қиймати эса 5 марта қисқартирилди. Бу, ўз навбатида, 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъектларининг иш бошлашида катта мадад бўлди.

2016 йилгача давом этадиган мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад ҳам тadbиркорларнинг ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга яқиндан ёрдам беришидир. Шу боис унинг доирасида ташкил этиладиган дастурларда барча машғулотлар бепул олиб борилади. «Тренерлар учун тренинг» дастури — уларнинг дастлабки ижросига ўзбек тренерлари ва менежерлари танаб олингандан сўнг киришилади. Лойиҳа уч босқичдан иборат бўлиб, бу жараёнда юртимиз тadbиркорлари учун Европа мамлакатларида малака ошириш, тажриба алмашиш имконияти мавжудлиги кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2013 йилда мамлакатимизда Инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми аввалги йилдагига нисбатан

11,3

фоиз ошди.

Бу маблағлар иқтисодийётнинг етакчи тармоқлари ва йўл-коммуникация соҳасидаги стратегик муҳим лойиҳаларни молиялаштириш, айниқса, саноат тармоқларида йирик ишлаб чиқариш объектилари куриш, мавжуд корхоналарни замонавий усунуналар билан қайта жиҳозлашда муҳим омил бўлди.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти 2014 йил учун ўз нашрларига обуна давом этаётганини маълум қилади. Обуначиларга қулайлик яратиш мақсадида жорий этилган обунани онлайн расмийлаштириш шакли ҳам амал қилмоқда.

Бунинг учун тахририятнинг www.xs.uz, www.narodnoeslovo.uz расмий сайтларидаги онлайн обуна бўлимига ўтиб, белгиланган буюртманомани тўлдирсангиз, кифоя.

Обунани расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар билан www.xs.uz эки www.narodnoeslovo.uz сайтларида батафсил танишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 233-10-03

ДЕПУТАТЛАР ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ ЭШИТДИЛАР

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Парламент вакиллари Ўзбекистон Республикасининг "Олий Махлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонуни нормаларидан келиб чиқиб, ҳар бир инсон учун ошкоралик ва қулайлик унинг фаолиятининг асосий принциплари бўлиши лозимлигини қайд этган ҳолда, Омбудсманнинг фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий онгини ошириш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд тузилмалари билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш масалаларига тўхталдилар.

Партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таъкидландики, Омбудсман бундан бундан ҳам ташкилотларнинг хатти-ҳаракатлари бўйича, шу жумладан, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини эркин амалга ошириш ва унга ноқонуний аралашувга йўл қўймаслик соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозим. Депутатлар фракциянинг назорат-таҳлил фаолиятида Олий Махлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан билди-

рилган масалалар албатта ҳисобга олинишини таъкидладилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари Омбудсманнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва фуқароларнинг муносабатлари бўйича фаолиятини ўрганиш фуқаролар муносабатлари институтининг муҳимлигига яна бир бор ишонч тўғрисида алоҳида қайд этилди. Депутатларнинг фикрича, фуқароларнинг муносабатлари билан ишлаш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳоли билан алоқаларини мустаҳкамлашнинг муҳим воситасидир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясида сўзга чиққанлар давлат органларининг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини муносиб даражада ҳуқуқий таъминлаш масалаларига уруғ бердилар. Шу муносабат билан фракция вакиллари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини, хусусан, жисмоний ва юридик шахслар муносабатлари тегишли равишда кўриб чиқиш фаолияти учун мансабдор шахсларнинг жавабгарлигини кучайтириш масалаларини тако-

муништириш юзасидан Омбудсман ва Қонунчилик палатаси депутатларининг яқин ҳамкорлигини давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари Омбудсманнинг уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳақидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича фаолиятини янада чуқурлаштириш масаласини кўтардилар. Фракция вакиллари Омбудсманнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор тавсиялар киритдилар.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзоларининг фикрича, охириги йилларда фуқароларнинг атироф-муҳитини муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига доир муносабатларнинг сони, оз бўлсада, ошаётгани қузғинлиқда. Шу муносабат билан депутатлар гуруҳи мақсадли тадбирларни ташкил этган ҳолда, аҳолининг экология соҳасидаги ҳуқуқий билимини ва онгини ошириш масалалари юзасидан Омбудсман билан ҳамкорликни бундан бундан ҳам давом эттириш истагини билдирди.

Депутатлар муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маълумладилар ҳамда тегишли қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Сўнгги вақтларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолияти жонланиб, вакиллик органлари жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишда муносиб таъсир кучига эга бўлиб бормоқда.

МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

амалга оширилаётган савий-ҳаракатларда яққол намоён бўлмоқда

Хусусан, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси худудларда қонунлар ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатиб, депутатлик сўровидан фойдаланган ҳолда жойлардаги муҳим ижтимоий масалалар ечимига мутасаддиларни жалб этиш борасида аниқ манзилли ишларни амалга оширмоқда.

Очиғини айтиш керак, бугун жойларда маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳатлар кўп. Бунинг учун ҳар бир депутат, аввало, ташаббускор, фидойи бўлиши, ўз ишига масъулият билан ёндашиши мақсадга мувофиқдир. Чунки мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишида уларнинг савий-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга.

Одатда, фуқаролар депутатларга ариза, шикоят ёки тақлиф билан мурожаат қилишади. Улар қўйишда бўлмасин, тағ-заминида инсон манфаатларини таъминлаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи турибди. Шундай экан, аҳоли мурожаатларига бе-

фарқ муносабатда бўлиш асло мумкин эмас.

Айни пайтда вилоятимиздаги маҳаллий Кенгашларда 660 дан зиёд депутатлар фаолият юритмоқда. Бундан кўринадики, ҳар биримиз ҳафтада лоақал бир масаланинг ечими билан қизиқсак, ташаббус билан чиқсак, бир ойда қанчадан-қанча ишларни амалга оширишимиз мумкин. Мисол учун, яқинда комиссиямиз аъзоларининг ўтган йиллардаги фаолиятини жиддий таҳлил қилдик. Қилинган ишлар ҳам, бой берилган имкониятлар ҳам ойдинлашди. Шу тариқа 2014 йил учун ҳар бир комиссия аъзосининг ҳаракат режаси аниқлаб олинди.

Ҳар ойда ўтказилаётган йиғилишларимизда муҳокама этилган муҳим масалаларни халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида мунозама олиб чиқаямиз. Наттижада кейинги пайтларда деярли ҳар бир сессия ишида комиссиямиз томонидан илгари сурилган тақлифлар тингланиб, улар қарор асосида ижрога йўналтирилмоқда. Масалан, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг маънавий баркамоллигини янада ўстиришда зий ва маърифат масканлари, айтайлик, жойлардаги китоб дўконларининг ўрни катта. Вило-

ятимизнинг туман ва шаҳарларидаги мавжуд китоб дўконларининг аҳолини ўрганганимизда, очиги, аҳоли яхши эмаслиги кўзга ташланди. Бундан ташқари, худудимизда туризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, аҳолига

корлик изчил йўлга қўйилган. Хусусан, маънавият тарғибот бўлими, ёзувчилар уюшмаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди, сиёсий партиялар билан қилинаётган ижтимоий шериклик, айниқса, самарали бўлмоқда.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири вилоят педагогика коллежида бўлиб ўтди. "Коллежга бағишланган бир кун" номига анъанавий тадбирда кун давомида ўқувчи-ёшлар ҳаёти, орозулари, муаммолари ўрганилди, очик дарслар, маданий-маърифий кеча, спорт мусобақалари ташкил этилди. Ўқувчилар билдирган тақлиф ва мулоҳазалар ёзиб олинди. Мулоқот жараёнида коллеж иситиш тизимида айрим муаммолар борлиги ҳам маълум бўлди. Тегишли мутасаддилар кўмаги билан ҳозир ушбу камчилик барҳал этилди. Шу билан бирга, вилоятнинг чекка, олис ва тоғли туманларидаги ўнлаб таълим муассасаларида ўтказилган тадбирлар ҳам ана шундай самарали ва фойдали кечаётганини айтиб ўтиш лозим.

Умуман, худудларни ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурлари бажарилиши устидан депутатлик назоратини ўрнатиб, таълим, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, ҳам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларида комиссиямиз ташаббускорлиги анча сезилапти. Бу, албатта, депутатларимиз фидойилик ва ташаббускорлигини ўз иш фаолиятларининг бош мезонига айлантириб, сайловчи олдидagi масъулиятни тегиз ҳис эътиборларининг амалий ифодасидир.

Зарифа ЭРАЛИЕВА, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзоси.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Қишлоқ ва шаҳарларимизни янада обод қилиш мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мана, бир неча йилдирки, шу эзгу ниятда юртимизда янги уй-жойлар қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Миллий анъана ва замонавий бинокорлик тамойиллари асосида қад ростлаётган бу уйлар қишлоқларимиз кўрмига кўрк, чиройига чирой қўйиш баробарида, ўзининг шинам ва қулайлиги билан хонадон соҳибларига манзур бўлаётгани, айниқса, қувончлидир.

Обод қишлоқлар файзу таровати

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан бошланган ва бугунги кунга келиб, қизгин тус олган мазкур жараён маҳаллий аҳолига ҳеч қандам кам бўлмай, шаҳарликларга хос ҳаёт кечириш имконини берди.

Ўтган йилги биргина Андижон вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 900 та янги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилгани фикримиз далилидир. Бинобарин, уларни барпо этиш учун ниятда кўламли ишлар амалга оширилгани алоҳида диққатга сазовор. Хусусан, уй-жойларни транспорт-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун 28,1 километрлик ичимлик суви, 24,4 километрлик электр энергияси ва 19 километрлик газ тар-

моқлари тортилиб, 27,3 километр масофадаги ички йўللарга шағал ҳамда асфальт-бетон қопламаси ётқизилди. Янги массивларда кўркам гузарлар, савдо ва машиий хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт майдончалари қуриб битказилди.

Ана шундай тарзда барпо этилган янги уйларга Олтинкўл туманининг Чўнтақ маҳалласидан 58 та оила кўчиб ўтди.

Бундан нақадар хурсанд эканимизни сўз билан таърифлаш қийин, — дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулшаной Мамадалиева. — Чунки хонадон соҳиблари "уй кўрди"лари қиз чиқариш, фарзанд уйлантириш, суннат тўйлари сингари удумларимизга уланиб кетди-да. Буларнинг бари, албатта, истиқлол туфайли. Шу боис улар мазкур иш ташаббускорю бунёдкорларига миннатдорлик билдирмоқдалар.

— Сўнгги йилларда бизда замонавий уй-жой қуришга ихтисослаштирилган юздан ортиқ корхоналар фаолияти йўлга қўйилди, — дейди вилоят ҳокимлигининг етакчи мутахассиси Азаматжон Шокиров. — Айниқса, улар орасида "Қамолот ишонч-Анд", "Андижон-КМК", "Элитастрой", "Марҳамат-112", "Такомил қурилиш сервис", "Ихтисослашган Шаҳрихон Қурилиш" масъулияти чекланган жамиятларининг жамоалари гайрат-шижоатини эътироф этсак арзийди.

Жорий йилда вилоятнинг 32 массивида намунавий лойиҳалар асосида 977 та тураржойни бунёд этиш кўзда тутилган. Бу эҳдулда аҳолининг, шу жумладан, қишлоқ одамларининг фаровон турмуш кечиришини таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом этишидан далолатдир.

Сайдахмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ва интерфаол услубларни амалиётга киритиш изчил давом этмоқда



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бугунги дарс машғулларимиз ҳам мазмунан, ҳам ташкилий жиҳатдан бутунлай замонавийлашган, — дейди Гулiston академик лицейининг биология фани ўқитувчиси Дилфуза Абдураимова. — Биз, педагоглар компьютер ва бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланаётганимиз туфайли ўрганилаётган

мавзуни ўқувчига тўлақонли етказиш имкониятига эгамиз. Муҳими, таълимдаги бундай янгича ёндашувлар ўқувчининг фанларни ўрганишга бўлган қизиқшини янада оширади. Таърибали мураббий дарсда "видеокўз" орқали ўз фанига таалуқли тасвирларни махсус мониторга узатади. Наттижада китобдаги манба ва маълумотлардан барча ўқувчилар бирдек воқиф бўлишади.

ли ҳам тегишли маълумотни олишлари мумкин.

Лицейнинг ахборот-ресурс марказида эса адабиётлар ва дарс маърузаларининг электрон кўринишидан фойдаланиш имконияти яратилган. 42 та синфхона ва 3 та лаборатория ҳам замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Шунингдек, лицейда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказиш мақсадида 9 та умумтаълим фани бўйича, 4 та спорт тўрагаги ташкил этилган.

Муҳими, мазкур ўқув даргоҳида билим олганларнинг аксарияти олий таълим муассасалари талабалари бўлишмоқда. Лицей бу борада ҳам вилоятдаги турдош ўқув юрлари ичида етакчилар сирасига кириди. Мазкур ўқув даргоҳи битирувчилари орасида хорижнинг нуфузли университетлари талабалари бўлганлар ҳам борлиги бу ерда юксак таълим-тарбия салоҳияти шақланганлигидан далолат беради.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТЛАРИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Шофиркон туманида яшовчи Хусниддин Шодмонов табиий газ тўловидан 250 минг сўм миқдоридан қарздор эканидан хабар топиб, таажжубга тушди. Аниқлик киритиш учун туман газ таъминоти идорасига борди. Аммо бундан наф чиқмади. У ердaгилар "250 минг сўм қарздорсиз, тамом-вассалом", деб туриб олишди.

НАЗОРАТ

Бироқ емаган сомсага кимнинг ҳақ тўлагини келадими?! Хусниддин ака ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билади. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти деган ташкилот борлигини ҳам. Ҳ. Шодмонов шу жамиятга мурожаат қилди. Аризани ўрганиб чиққан мутахассислар масалага оидлик киритишди. Ассосиз равишда ҳисобланган тўқсон минг сўмни аризачи фойдасига қайтарилди. Шу тариқа бир истеъмолчининг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинди. Туман газ таъминоти идорасидигилар ҳам

ўзларига тегишли хулоса чиқаришган бўлса ажаб эмас.

— Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин, — дейди Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ижрочи директори Илҳом Қиличев. — Бирлашмамиз ва туман жамиятларига ўтган йили фуқаролардан 600 дан ортиқ ариза ва шикоятлар келиб тушди. Улар "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни та-

лабларидан келиб чиққан ҳолда жойида ўрганилди. Наттижада мурожаат қилганлар ҳақ эканлиги аён бўлди ва пировардида 100 миллион сўмдан зиёд маблағ улар фойдасига ҳал этилди. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, тушган ариза ва шикоятларнинг ўн фоизи коммунал хўжалиги, 21 фоизи савдо, 35 фоизи табиий газ таъминоти билан боғлиқ масалаларга дахлдордир. Бу вилоятда айнан шу соҳаларда ўз ечимини кутаётган масалалар борлигидан далолат беради.

бирлашма тизимида ҳозир 13 та шаҳар ва туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур жамиятлар неғизидан 187 та таянч гуруҳи мавжуд. Уларнинг аксарияти маҳаллаларда, корхона ҳамда ўқув муассасаларида ташкил этилган. Жамият аъзолари сони эса салкам йигирми минг нафардир. Бу ҳақда алоҳида тўхталлишимиз бежиз эмас. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатлари тарғиботи билан шуғулланишда мазкур гуруҳлар таянч вазифасини ўташмоқда. Чунончи, ўтган йили жойларда 250 га яқин давра суҳбатлари, бешта ўқув-семинар ташкил этилди, оммавий ах-

борот воситаларида мақолалар чоп қилинди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига ҳамда ўқув муассасаларида ташкил этилган. Жамият аъзолари сони эса салкам йигирми минг нафардир. Бу ҳақда алоҳида тўхталлишимиз бежиз эмас. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатлари тарғиботи билан шуғулланишда мазкур гуруҳлар таянч вазифасини ўташмоқда. Чунончи, ўтган йили жойларда 250 га яқин давра суҳбатлари, бешта ўқув-семинар ташкил этилди, оммавий ах-

борот воситаларида мақолалар чоп қилинди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига ҳамда ўқув муассасаларида ташкил этилган. Жамият аъзолари сони эса салкам йигирми минг нафардир. Бу ҳақда алоҳида тўхталлишимиз бежиз эмас. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатлари тарғиботи билан шуғулланишда мазкур гуруҳлар таянч вазифасини ўташмоқда. Чунончи, ўтган йили жойларда 250 га яқин давра суҳбатлари, бешта ўқув-семинар ташкил этилди, оммавий ах-

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сабаби, уларга жараёнда хорижий компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, биргаликда кўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича амалий келишувларга эришиш учун барча шарт-шароит яратиб берилди.

Бизнесни самарали бошқаришга кўмак

— Лойиҳа биз, тадбиркорларга бизнес юритиш жараёнида илгор усулларни қўллаш, ички ва ташқи бозор талабларини чуқур ўрганиш имконини бериши билан аҳамиятлидир, — дейди пойтахтимиздаги "Резина Битум Мастика" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Носир Ҳасанов. — Бу импорт ўринни босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган жамоамиз учун айни мудоа. Гап шундаки, ўтган йили автомобиль йўллари ва аэродром қопламаларида ишлатиладиган резина битумли мастика ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди. Айни пайтда кунига бир тоннадан зиёдор шундай маҳсулот тайёрланаётган бўлса, келгусида фаолиятимизни кенгайтириш ҳисобига маҳсулот турларини кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш кўламини ошириш ниятидамиз.

Ташкилотчиларнинг айтишича, лойиҳа доирасида республикамизнинг барча худудларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларини қамраб олиш кўзда тутилган. Бунинг учун унинг тақдимотларини Андижон, Қарши, Термиз ва Нукус шаҳарларида ҳам ўтказиш режалаштирилмоқда. Зеро, тадбиркорлик ҳаракати ривожида самарали бошқариш усулларининг изчил татбиқ этилиши муваффақиятлар гаровидир.

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маҳорат, тажриба ва ҳамкорлик

Бугун ижод ахли, чунончи, журналистларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи юксалди. Улар мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолига қўлга киритилган ютуқлар, дунёда ўхшаши йўқ деб эътироф этилаётган тараққиётимизнинг "Ўзбек модели" самаралари ҳақида жўшиб қалам тебратишмоқда.

ИНТИЛИШ

Албатта, бунда ОАВ ходимларининг малака ва кўникмаларини ошириш, рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам муҳим ўрин тутди. Хусусан, Фарғона вилояти ижодкорлари бир неча марта Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари билан амалий семинарларда, конференция ва очик мулоқотларда фаол иштирок этдилар. Бу эса, жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларни теран англаб, ўз мақолаларимизда чуқур ва муфассал фикр юритишимизда имкониятларимизни кенгайтди.

Бугун ижодий жамоаларни замон руҳига ҳамоҳанг фаолият юритиш, интилиш ва изланишга давбат этишда тизимли равишда ўтказилаётган семинарлар ҳам ўзига хос аҳамият касб этаяпти. Хусусан, икки ойда

бир марта ўтаётган шундай тадбирларда вилоятимизда чиқади-ган 83 та газета ва журнал, 6 та телевидение фаолияти Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлимининг мониторинг гуруҳлари томонидан ўрганилиб, таҳлил этиб борилаяпти.

Марказий нашрлар фаолияти, у ердаги ижодий муҳит билан танишиш ва тўпланган тажрибаларни ўрганиш ҳам биз учун ниҳоятда зарур. Бунинг самарасини Кўштепа тумани "Истикбол йўли" газетаси муҳаррири сифатида ўз фаолиятимда яққол кўраётман. Чунки журналистларимиз иқтидорли ва тажрибали ҳамкасбларининг маслаҳатларига ҳар доим эҳтиёж сезади. Бўлим ташаббуси билан 21 нафар муҳаррир бир ҳафта давомида марказий нашрларда мала-

ка оширгани, жойлардан орттирган тажрибамиз, журналистларни тайёрлаётган олий ўқув юртиларида бўлиб, соҳага оид маълумотлар билан танишганимиз ҳар қадамда асқатмоқда.

Журналист мамлакатимиз миқёсидаги улкан ўзгариш ва тараққиётни ўз кўзи билан кўрсатгани, ёзаётган мақоласининг таъсирчанлиги ортади. Шу боис маҳаллий журналистлар учун қўшни Андижон ва Наманган, кейинроқ эса Самарқанд, Бухоро, Қашқадарь, Хоразм, Навоий вилоятларига ижодий сафарлар уюштирилгани айни мудоао бўлди.

Мухтасар айтганда, уюшманин вилоят бўлими Фарғонада фаолият кўрсатаётган уч юздан ортик ижодкорларни қўллаб-қувватлаб, уларга яқиндан амалий кўмак бериб келмоқда. Бу эса ўқишли ахборот ва мақолалар, юксак савиядаги телекўрсатув ва радиозэшитиришлар яратилишига хизмат қилаётгани билан эътиборга моликдир.

Хадичахон КАРИМОВА,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси аъзоси.

БОБОКАЛОНИМИЗ ХОТИРАСИ ЭЪЗОЗДА

